ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БУРХАНОВА ДИЛНАВОЗА УТКУРОВНА

СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ВА ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ (Тошкент вилояти мисолида)

06.01.03-Агротупроқшунослик ва агрофизика

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УЎТ 631.4+631.45+631.432

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Бурханова Дилнавоза Уткуровна
Суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларнинг унумдорлигини ошириш йўллари (Тошкент вилояти мисолида) 3

Бурханова Дилнавоза Уткуровна
Пути повышения плодородия орошаемых типичных сероземов и луговых почв (на примере Ташкентского вилоята)..... 21

Burkhanova Dilnavoza Utkurovna
Ways to improve the fertility of irrigated typical serozem and meadow soils (on the example of the Tashkent regoin)…..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……....…… 43

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БУРХАНОВА ДИЛНАВОЗА УТКУРОВНА

СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ВА ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ (Тошкент вилояти мисолида)

06.01.03-Агротупроқшунослик ва агрофизика

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Qx254 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (htpp://www.soil.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (htpp://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Турапов Ибрагим** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Қурвантоев Рахмонтой** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
	Фахрутдинова Машкура Фазлиддиновна биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____» _____соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3-уй.Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soill.uz.

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____даги №____-рақамли реестр баённомаси)

Р.Қ.Қўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда «2,6 миллиард аҳоли тупроқ деградацияси оқибатларидан азият чекмоқда ва деградация жараёнлари, яъни эрозияланиш, шўрланиш, чўлланиш ва бошқалар туфайли тупроқ унумдорлигини пасайиши кузатилмоқда. Халқаро ФАО ташкилоти маълумотларига кўра, 33% дан ортиқ ерлар деградацияга учраган»[1]. Тупроқ қопламини деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш ва суғориладиган тупроқлар унумдорлигининг оширишга қаратилган агротехник тадбирларни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда деградацияга учраган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини яхшилаш орқали унумдорлигини ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, суғориладиган тупроқларда деградация жараёнлари натижасида тупроқ қопламида юзага келадиган ўзгаришларни аниқлаш, органик деҳқончилик тизимини йўлга қўйиш, тупроққа органик, минерал, биогумус ва биопрепаратлар қўллаш орқали суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда деградацияга учраган суғориладиган тупроқларда унумдорлигини сақлаш ва ошириш, суғориладиган тупроқлар деградациясининг олдини олишга ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агротехнологияларни жорий этиш орқали деҳқончиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш»[2] муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу боис, республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда суғориладиган тупроқларнинг хоссаларини яхшилаш, тупроқларни ўсимликлар қолдиқлари билан мульчалаш, тупроқларга органик-минерал ўғитлар, биогумус ва биопрепаратларни биргаликда қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон

---

[1]https://www. fao.org/soils-portal/soil-degradation

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7-сонли «2017-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V "Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқлар шароитида полиэтилен плёнкалар ва ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш, гўнг, биогумус, биопрепаратлар қўллашнинг тупроқ унумдорлиги ва хосса-хусусиятларига таъсирини ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Бундай тадқиқотлар хорижлик олимлардан S.Y.Chen, X.Y.Zhang, D.Pli, H.Y.Sun, S.L.Chen,V.Q.Halle, J.L.Stochton, J.Dickens, H.Haase, R.F.Phillips, R.E.Frand, S.X.Li, Z.H.Wang, S.Q.Li, Y.Gao, X.H.Tian, F.Marecen, F.H.Takatori, Ўзбекистонлик олимлардан И.Т.Турапов, Қ.М.Мирзажонов, Ш.Т.Холиқулов, Р.Қурвантоев, М.М.Ташқўзиев, Р.И.Бузруков, Т.Ч.Ғозиев, С.Х.Исаев, Б.И.Ниязалиев, Г.Безбородов, А.С.Шамсиев, В.И.Бондаренко, О.Т.Каримов, С.А.Арипова, Т.Т.Тошхўжаев, Ф.Х.Ҳошимов, Г.Х.Насриддинова, Ш.Х.Абдуалимов, Н.Ю.Абдурахмонов, Х.Н.Каримов, Ш.И.Ахмурзаев ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларнинг унумдорлигига, кузги буғдой ҳамда ғўза навларининг ҳосилдорлигига турли ўғитлар, мульчалашнинг таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-073-III «Тупроқ микробиологик фаоллигини бошқариш ва экологик ҳолатини яхшилаш орқали тупроқ унумдорлигини ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш йўлларини асослаш» (2009-2011 йй.) ва ҚХА-7-084 «Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида кузги буғдойни экиш, йиғиштирилмаган ғўзапоя ва ўсимлик қолдиқларини майдалаб мульчалашни амалга оширадиган технологияни қўллаш» (2009-2011 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқлари шароитида ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш ҳамда турли ўғит (органик ўғит, биогумус, биопрепарат)ларни қўллаш

орқали тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларнинг морфологик кўрсаткичлари, дастлабки агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларини ўрганиш;

суғориладиган типик бўз тупроқларни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш ва ўтлоқи тупроқларда турли ўғит (органик ўғит, биогумус, биопрепарат)ларни қўллашнинг тупроқ унумдорлиги кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

суғориладиган типик бўз тупроқларни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалашнинг ғўзанинг «С-6524» нави, кузги буғдойнинг «Санзар-8» нави ва ўтлоқи тупроқларда қўлланилган турли ўғит (органик ўғит, биогумус, биопрепарат)ларнинг кузги буғдойнинг «Таня» нави ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

ғўзапоя, буғдой сомони билан мульчалаш, сидерат ва оралиқ экинларни тупроққа қайтариш орқали тупроққа тушадиган биомасса миқдорини аниқлаш;

«Байкал ЭМ-1» биопрепаратини қўллашнинг мақбул муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқлар, мульчалаш материаллари (ғўзапоя ва буғдой сомони), турли ўғит (Байкал ЭМ-1 биопрепарати, органик ва минерал ўғит)лар ва ғўзанинг «С-6524», кузги буғдойнинг «Таня», «Санзар-8» навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш, турли ўғитлар қўллаш усуллари, тупроқнинг физикавий, агрокимёвий хоссалари, кузги буғдой ҳамда ғўзанинг ўсиш-ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, ҳосилдорлик ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда дала тажрибалари ЎзПИТИ олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаси бўйича олиб борилган. Тупроқ таҳлиллари Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв», Д.Г.Звягинцевнинг «Методы почвенной микробиологии и биохимии» қўлланмалари, олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш ҳамда турли ўғитлар қўллашнинг тупроқ унумдорлигини ошишига самарали таъсир этиши исботланган;

суғориладиган типик бўз тупроқларни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш ва ўтлоқи тупроқларда турли ўғит (органик ўғит, биогумус ва биопрепарат)ларни қўллашнинг тупроқ агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари яхшиланишига ҳамда микробиологик фаоллигига таъсири аниқланган;

суғориладиган ўтлоқи тупроқларда кузги буғдой навига турли ўғитлардан «Байкал ЭМ-1» биопрепаратини экишдан олдин 5 л/га ва туплаш фазасида 3 л/га, гўнг 20 т/га, биогумус 2 т/га меъёрларида қўллаш мақбуллиги асосланган;

суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларга турли ўғит (органик ўғит, биогумус ва биопрепарат)ларни қўллаш ва тупроқни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалашни кузги буғдой ва ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғориладиган типик бўз тупроқларни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш таъсирида ҳайдалма қатламда гумус миқдори назоратга нисбатан 0,33% га, ғоваклик 5% га, микроорганизмлар сони 1 гр тупроқда 3,4 миллионга ошганлиги, тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0,06 г/см^3 га камайганлиги аниқланган;

суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» қўлланилган вариантида назоратга нисбатан 0,18% га, ғоваклик 3% га, микроорганизмлар сони 1 гр тупроқда 18,7 миллионга ошганлиги, тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0,1 г/см^3 га камайганлиги аниқланган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш таъсирида 1 гектар майдондаги тупроқни 3 тонна 162 кг биомасса билан бойитишга эришилган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида мульчаланган вариантда ғўзанинг «С-6524» навидан 4,8 ц/га, кузги буғдойнинг «Санзар-8» навидан 2,4 ц/га, ўтлоқи тупроқларда эса минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» қўлланилган вариантида кузги буғдойнинг «Таня» навидан 13,3 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, шунингдек Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва маҳаллий илмий журналларда чоп этилганлиги унинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тупроқ унумдорлигини оширишда ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш (ғўзапояси, буғдой сомони), турли ўғит (Байкал ЭМ-1 биопрепарати, гўнг, биогумус)ларни биргаликда қўллаш каби ноанъанавий усуллари тупроқнинг хосса-хусусиятларига, ғўза ва кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланиши учун мақбул шароитлар яратилишига ижобий таъсир этиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган тупроқлардан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва хоссаларини яхшилашда, ғўза-буғдой экинларидан юқори ҳосил олишда мульчалаш ва турли ўғит (органик ўғит, биогумус ва биопрепарат)ларни биргаликда қўллаш усуллари, уларнинг мақбул меъёр ва муддатлари аниқланганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларининг унумдорлигини ошириш йўллари бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун «Суғориладиган типик бўз, ўтлоқи тупроқларнинг унумдорлиги ва уни ошириш йўллари бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 ноябрдаги 02/020-214-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар Тошкент вилоятининг пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш ва турли ўғитларни қўллаш меъёрлари орқали тупроқ унумдорлигини ошириш учун қўлланма сифатида хизмат қилган;

типик бўз тупроқлар шароитида тупроқни қишлоқ хўжалиги экинлари қолдиқлари билан мульчалаш технологияси Тошкент вилояти Янгийўл туманида 132 гектар суғориладиган экин майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 ноябрдаги 02/020-214-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 0,33 фоизга ошган ва ғўзанинг «С-6524» навидан гектаридан 4,8 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

ўтлоқи тупроқлар шароитида ишлаб чиқилган $N_{150}P_{100}K_{50}$+Байкал ЭМ-1 биопрепаратини қўллашнинг такомиллаштирилган агротехнологияси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида 123 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 ноябрдаги 02/020-214-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 0,07%, нитрат шаклдаги азот 7,3 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 5,45 мг/кг га ошган ва кузги буғдойнинг «Таня» навидан гектаридан қўшимча 13,3 центнер дон ҳосили олишга эришилган;

$N_{150}P_{100}K_{50}$+биогумус қўллашнинг такомиллаштирилган агротехнологияси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани «Махмудов Бахтиёр Агро» фермер хўжалигида 50 гектар суғориладиган ер майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 ноябрдаги 02/020-214-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу такомиллаштирилган технология фермер хўжаликларида кузги буғдойдан гектарига 11,3 центнер қўшимча дон ҳосили олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 1 та хорижий, 3 та республика журналларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсия чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тупроқлар унумдорлигини ошириш йўлларига доир адабиётлар таҳлили»** деб номланган биринчи боби икки қисмга бўлинган бўлиб, «Тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдой ҳосилдорлигига турли ўғитлар таъсири» деб номланган биринчи қисмида суғориладиган тупроқлар унумдорлиги ва кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлигига биогумус, гўнг ва микробиологик препаратларнинг таъсирини ўрганишга оид тадқиқот натижалари келтирилган. «Тупроқ унумдорлиги, ғўза ва кузги буғдой ҳосилдорлигига мульчалашнинг таъсири» деб номланган иккинчи қисмида республикамиз ва хорижий давлатларда турли полимер плёнкалар, ялтироқ, қора полиэтилен плёнкалар ва турли ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш тўғрисидаги тадқиқотлар кенг ёритилган. Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида тупроқни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш ва турли ўғитларни қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг **«Ўрганилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари ва тадқиқот услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик жойлашуви, рельефи, геологик-геоморфологик тузилиши, иқлим шароитлари ва ўсимлик дунёси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар Тошкент вилояти Янгийўл, Ўртачирчиқ туманларида тарқалган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш ва турли ўғитларни қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича иккита тажриба тизимида:

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида 3 вариант 3 қайтариқда;

суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида 7 вариант ва 3 қайтариқларда дала тажрибалари олиб борилган бўлиб, дала ва лаборатория таҳлиллари умумқабул қилинган услубларда бажарилган.

Диссертациянинг **«Суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларнинг морфологик тузилиши, агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари»** деб номланган учинчи бобида суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларининг морфологик белгилари, умумий физик ва агрокимёвий хоссаларини ўрганишга оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Олинган натижаларга кўра, ўрганилган суғориладиган типик бўз тупроқлар учун оч кулранг тусдалиги, ўрта қумоқ механик таркибига эгалиги, гумусли қатлам қалинлиги 40-80 см оралиғида бўлиши каби морфологик белгилар характерли бўлса, ўтлоқи тупроқлар ранги кўкимтир тусда бўлиб, енгил ва ўрта қумоқли, қуйи қатламларда зангори доғлар ва гипс кристаллари учрайди, генетик қатламлар кескин ўзгарувчан, сизот сувларининг сатҳи 120-200 см ни ташкил этади.

Дастлабки маълумотларга кўра суғориладиган типик бўз тупроқларда ҳажм оғирлиги механик таркибига боғлиқ равишда юқори қатламда 1,31 г/см^3 бўлиб, ҳайдов ости қатламида 1,33-1,38 г/см^3 ни ташкил этади. Солиштирма оғирлиги эса профил бўйлаб 2,69-2,72 г/см^3 оралиғида тебранади. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ҳажм оғирлик 1,29 г/см^3, қуйи қатламга бориб 1,39 г/см^3 ни ташкил этади. Умумий ғоваклик суғориладиган типик бўз тупроқларда профил бўйлаб 49,3-51,3%, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда эса бу кўрсаткич 48,1-50,3% атрофида тебраниб туради. Механик таркибига кўра, суғориладиган типик бўз тупроқлар ўрта қумоқ тупроқлар қаторига киради. Ушбу тупроқларнинг профили бўйлаб физик лой миқдори 32,4-37,5% оралиғида ўзгариб туради. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар (5-кесма) механик таркиби кўра, енгил ва ўрта қумоқли бўлиб, физик лой миқдори 20,6-29,7% оралиғида ўзгаради.

Агрокимёвий хоссалари бўйича суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида гумус миқдори 0,65-0,81%, умумий азот миқдори 0,046-0,080%, умумий фосфор 0,373%, умумий калий 1,37-1,50% ни ташкил қилади. Суғориладиган типик бўз тупроқлар ҳаракатчан фосфор билан жуда кам таъминланган бўлиб унинг миқдори 10,0-5,33 мг/кг оралиғида, алмашинувчи калий билан эса кам таъминланган тупроқларга мансуб бўлиб, 120-200 мг/кг оралиғида ўзгариб туради. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда гумус миқдори юқори қатламда 0,87% бўлиб, қуйи қатламга бориб эса 0,36% гача камаяди. Умумий азот миқдори кесма бўйлаб 0,022-0,082%, умумий фосфор 0,463-0,123%, умумий калий 1,50-1,07% атрофида тебраниб туради. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ҳам ҳаракатчан фосфор билан жуда кам таъминланган (4,33-10,0 мг/кг), алмашинувчи калий билан ҳам кам таъминланган бўлиб, юқори қатламда 200 мг/кг ни, қуйи қатламда 100 мг/кгни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқлар**

унумдорлигини оширишнинг ноанъанавий йўллари” деб номланган тўртинчи бобида суғориладиган типик бўз тупроқларни мульчалаш ва ўтлоқи тупроқларни турли ўғитлар таъсирида уч йил давомида тупроқнинг агрокимёвий, физикавий хоссалари, микроорганизмлар миқдори ва тупроқ намлигининг вегетация даврида ўзгариши, тажриба даласида олиб борилган фенологик кузатувлар ва ҳосилдорлик натижаларига оид маълумотлар келтирилган.

2009 йилда олинган таҳлил натижаларига кўра, гумус миқдори назорат вариантининг ҳайдалма қатламида 0,30-0,66% бўлиб, мульчаланган вариантда эса 0,61-0,70% ни ташкил этди. Дала тажрибаларини бошланғич даврида тупроқнинг гумус билан таъминланиши бўйича вариантлар ўртасида кескин фарқ кузатилмади. Бироқ 2009-2011 йилларда олиб борилган тадқиқотлар давомида тупроқни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш, тупроққа оралиқ ва сидерат экинлар қолдиқларини қайтариш ҳисобига тупроқда органик моддаларнинг тўпланиши натижасида мульчаланган вариантда гумус миқдори ўртача таъминланган даражага (1,13%), яъни биринчи йилга нисбатан 0,19% га ошганлиги кузатилди (1-расм).



1-расм. Ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш таъсирида гумус миқдорининг ўзгариши (% ҳисобида, 2009-2011 йиллар)

2009 йилда тупроқда умумий азот миқдори 0,067-0,076% атрофида тебраниб турган бўлса, 2010 йилда мульчаланган вариантларда умумий азотнинг миқдори назоратга нисбатан куз ойида 0,019% га ошганлиги кузатилди. Тупроқда азот миқдорининг ошиши мульчаланган вариантларда органик моддаларнинг тўпланишидан далолат беради. 2011 йилга келиб, ғўза экилган вариантда умумий азотнинг миқдори эрта баҳорда барча вариантларда камайган бўлсада, кузга бориб солинган ўғитлар ва тупроққа қайтарилган ўсимлик қолдиқларининг чириши ҳисобига унинг миқдори мульчаланган вариантда ошганлиги кузатилди.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида биринчи йил тажрибанинг бошланиш даврида умумий фосфор миқдори 0,208-0,580% атрофида тебраниб турди. 2010 йилга келиб, умумий фосфор миқдори экин

турлари бўйича бир-бирига яқин бўлиб, 0,355-0,598% ни ташкил қилди. Унинг миқдори мульчаланган вариантларда юқорилиги кузатилди. Тажрибанинг учинчи йилига келиб, иккинчи йилда ўсимлик қолдиқлари билан мульчаланган вариантларида умумий фосфор миқдори юқори қатламларда назоратга нисбатан юқорилиги кузатилди. Яъни, назорат вариантининг 0-15 см қатламида умумий фосфорнинг миқдори 0,373% бўлса, мульчаланган вариантларда эса бу кўрсаткич 0,458% ни ташкил қилди.

2009 йил умумий калий миқдори тажриба майдони тупроғининг ҳайдалма қатламида назорат вариантида 2,02% ни, мульчаланган вариантда эса 2,50% ни ташкил қилади. Ҳайдалма ости қатламида эса унинг миқдори 1,42-2,00% атрофида тебраниб туради. 2010-йилдаги натижаларга кўра, умумий калийнинг миқдори учинчи мульчаланган вариантда 1,94% бўлганлиги аниқланган. 2011 йил тупроқ таҳлилларининг кўрсатишича кузги ва баҳорги берилган калийли ўғитлар таъсирида умумий калийнинг миқдори назорат вариантига нисбатан, айниқса, мульчаланган вариантларда кескин ошганлигини кўриш мумкин (0,237-0,458%).

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида 2009-2011 йиллар давомида қўлланилган турли ўғит (органик ўғит, биогумус ва биопрепарат)лар уларнинг озиқа элементлари миқдорига ижобий таъсир этганлиги аниқланди. 2009 йилги маълумотларга кўра, кузги буғдойнинг туплаш фазасида назорат вариантида гумус 0,95%, нитрат шаклдаги азот 25,6, ҳаракатчан фосфор 17,9 ва алмашинувчи калий эса 100 мг/кг ни ташкил этган бўлса, минерал ўғит ва биопрепарат қўлланилган вариантда гумус миқдори 1,06%, нитрат шаклдаги азот 21,6, ҳаракатчан фосфор 23,0 ва алмашинувчи калий 118 мг/кг бўлиб, сезиларли ошганлиги аниқланди. Биогумус қўлланилган вариантда эса гумус миқдори 1,05%, нитрат шаклдаги азот 25,7, ҳаракатчан фосфор 20,6 ва алмашинувчи калий 106 мг/кг ни ташкил этди. Умуман олганда буғдойнинг туплаш фазасида тупроқ таркибида озиқа моддаларнинг кам бўлиши ушбу даврда буғдойнинг озиқа моддаларга бўлган талабчанлигини ошиши билан изоҳлаш мумкин.

2010 йилда олиб борилган кузатувлар натижасига кўра 2009 йилга нисбатан минерал ўғит ва биопрепарат қўлланилган вариантда гумус миқдори 0,14%, минерал ўғит ва гўнг қўлланилган вариантда 0,11%, минерал ўғит ва биогумус қўлланилган вариантда эса 0,09% га ошганлиги кузатилди. Тупроқдаги озиқа моддалар миқдори ҳам мавсум бўйлаб турли кўрсаткичларда тебраниб турди. Масалан, нитрат шаклидаги азот кузги буғдой униб чиққанда минерал ўғит ва биопрепарат қўлланилган вариантда 22,5, баҳорда эса 25,1 мг/кг бўлиб, вегетация охирига келиб бу кўрсаткич бир оз камайганлиги, яъни 21,8 мг/кг бўлганлиги кузатилди.

2011 йилги тадқиқотларимизда ҳам худди юқоридаги қонуният сақланиб қолди. Минерал ўғитлар ($N_{150}P_{100}K_{50}$) билан «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилган вариантда гумус миқдори 1,24% ни ташкил қилган бўлса, минерал ўғитлар ($N_{150}P_{100}K_{50}$) билан гўнг қўлланилган вариантда 1,18%, минерал ўғитлар ($N_{150}P_{100}K_{50}$) билан биогумус қўлланилган вариантда эса

1,20% ташкил қилган. Энг юқори кўрсаткич минерал ўғитлар билан «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилган вариантда кузатилди. Ушбу муддатда буғдойнинг ўсиб ривожланиш даврларида тупроққа берилган органик моддаларнинг ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши натижасида тупроқда ҳарактчан озиқа моддалар миқдори вегетация охирига келиб камайиши кузатилди. Озиқ моддаларнинг энг юқори кўрсаткичи минерал ўғит ($N_{150}P_{100}K_{50}$) ва «Байкал ЭМ-1» биопрепарати ҳамда минерал ўғит ($N_{150}P_{100}K_{50}$) ва 20 т/га гўнг қўлланилган вариантларга тўғри келди(2-расм).



2-расм. 2009-2011 йилларда тажриба майдонида турли ўғитлар таъсирида гумус миқдорининг ўзгариши (% ҳисобида).

Тадқиқотлар давомида мульчалаш ва турли ўғитлар таъсирида ўрганилган тупроқларнинг ҳажм оғирлиги ва ғоваклигининг ўзгариши ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, суғориладиган типик бўз тупроқларда биринчи йил вегетация даврида тупроқнинг ҳажм оғирлиги назорат вариантида 1,41 г/см^3, ғўзапояси тўлиқ юлиб олинган ва даладан чиқариб ташланган вариантда 1,29 г/см^3 ва мульчаланган вариантда 1,30 г/см^3 ни ташкил этган бўлса, тажриба охирига келиб эса бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда назорат вариантида 1,28 г/см^3, мульчаланган вариантда 1,24 г/см^3, яъни 0,04 г/см^3 га камайганлиги ҳамда ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш таъсирида тупроқнинг умумий ғоваклиги назорат вариантига нисбатан 5% га ошганлиги кузатилди (3-расм).

Шундай қилиб, тупроқ юзасини ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш маълум даражада тупроқда органик моддаларни тўплаши, тупроқнинг ҳажм оғирлигининг камайишига ва ғоваклигини ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида тупроқ унумдорлигини ошишига олиб келади.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларга қўлланилган турли хил ўғитлар, яъни минерал, органик ўғитлар ва биопрепаратлар тупроқнинг физикавий хоссаларига турлича таъсир этганлиги кузатилди.



3-расм. Суғориладиган типик бўз тупроқнинг умумий физик хоссаларини ўзгариши (2009-2011 йй).

Тажрибанинг биринчи йили вегетация даврида назорат вариантида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 1,35 г/см^3, минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» биопрепорати қўлланилган вариантда 1,31 г/см^3, минерал ўғит ва 20 т/га гўнг қўлланилган вариантда 1,32 г/см^3 ҳамда минерал ўғит ва 2 т/га биогумус қўлланилган вариантда 1,32 г/см^3 ни ташкил этди (4-расм).



4-расм. Суғориладиган ўтлоқи тупроқнинг умумий физик хоссасининг ўзгариши (2009-2011 йй).

Тажрибанинг учинчи йилига келиб, ҳажм оғирлик кўрсаткичлари минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» биопрепорати қўлланилган вариантда назоратга нисбатан 0,06 г/см^3, минерал ўғит ва 20 т/га гўнг қўлланилган вариантда 0,05 г/см^3 ҳамда минерал ўғит ва 2 т/га биогумус қўлланилган вариантда эса 0,05 г/см^3 га камайганлиги аниқланди. Тупроқнинг умумий ғоваклиги ҳам мутаносиб равишда вариантлар бўйича 2009 йилда 49-51% бўлган бўлса, 2011 йилда 50-52% ни ташкил этди. Қўйилган тажрибалар орасида тупроқнинг ҳажм оғирлиги энг мақбул кўрсаткичи минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» биопрепарати (1,21 г/см^3) ҳамда минерал ўғит ва 20 т/га гўнг қўлланилган вариантларда (1,21 г/см^3) кузатилди. Ушбу маълумотлар минерал ўғитлар билан «Байкал ЭМ-1» биопрепарати ва гўнгни биргаликда қўллаш тупроқнинг ҳажм оғирлигига ижобий таъсир этишини кўрсатди.

Маълумки, тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада ошиши тупроқда

кечадиган биологик жараёнларга боғлиқдир. Шу боис, тадқиқотлар давомила ўтказилган тажрибаларнинг тупроқ микроорганизмлари миқдорига таъсири ўрганилди. Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида 2009-2011 йиллар давомида олиб борилган дала тажрибаларида ғўзанинг чин барг чиқарган даврида тупроқда аммонификаторлар сони назорат вариантида 5,8 миллион, мульчаланган вариантда 6,1 миллионни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 3,0 миллионга кўплиги аниқланди. Ғўзанинг қолган фазаларида бу кўрсаткичлар чин барг чиқариш фазасига нисбатан камайиши кузатилди.

Замбуруғлар миқдори аммонификаторлар миқдорига нисбатан ғўзанинг вегетация даврида турлича ўзгариши аниқланди. Ғўзанинг 3-4 чин барг чиқариш фазасида замбуруғлар миқдорининг ортиши ва вегетация охири, пишиш даврига келиб эса ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида замбуруғлар миқдорининг камайиши кузатилди. Кузги буғдойда эса аммонификаторлар сони назорат вариантида 3,5 миллион бўлиб, мульчаланган вариантда бу кўрсаткич 6,6 миллион ташкил этди, яъни назоратга нисбатан 3,1 миллионга кўпайганлиги кузатилди. Олигонитрофиллар ва актиномицетлар миқдорининг ўзгаришида ҳам юқоридаги қонуният кузатилди. Мульчаланган вариантларда микроорганизмлар сонининг ортиши ғўзапоя, кузги буғдой сомони, сидерат ва оралиқ экинлар қолдиқларини тупроққа қайтариш микроорганизмларнинг жадал ривожланиши учун мақбул шароитлар яратилганлигидан далолат беради (5-расм).



5-расм. Суғориладиган типик бўз тупроқларда микроорганизмлар миқдорига мульчалашнинг таъсири (2009-2011 йй., ғўзанинг чин барг чиқарган фазасида)

Тажриба натижаларига кўра, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда қўлланилган ўғитларга боғлиқ равишда микроорганизмлар миқдори кузги буғдойнинг вегетация даврида турлича ўзгариши кузатилди. Буғдойнинг униб чиқиш даврида назорат вариантида устки вариантида аммонификаторлар сони 2,7 миллион бўлган бўлса, минерал ўғит ва 8 л/га «Байкал ЭМ-1» биопрепорати қўлланилган вариантда 10,0 миллион, минерал

ўғит ва 20 т/га гўнг қўлланилган вариантда 8,6 миллион, минерал ўғит ва 2 т/га биогумус қўлланилган вариантда эса 5,9 миллионни ташкил этди. Кузги буғдойнинг униб чиқиш ва тўлиқ пишиш фазасида аммонификаторлар сони бошоқлаш фазасига нисбатан камлиги кузатилди (6-расм).

Қолган микроорганизм гуруҳларининг энг юқори миқдори (замбуруғлар, аммонификаторлар ва актиномицетлар) кузги буғдойнинг бошоқлаш фазасига тўғри келади. Чунки, кузги буғдойнинг бошоқлаш фазаси баҳор фаслига тўғри келганлиги туфайли микроорганизмлар ривожланиши учун тупроқда қулай шароит яратилади. Ушбу аниқланган микроорганизм гуруҳлари миқдори тажриба вариантлари орасида минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» биопрепарати биргаликда қўлланилган вариантда 4-5 баробарга ошганлиги кузатилди. Яъни назоратга нисбатан ушбу вариантда аммонификаторлар 10 миллион, замбуруғлар 425 минг, олигонитрофиллар 300 минг, актиномицетлар 3200 мингга кўпайган. Қолаверса, минерал ўғитлар ва 20 т/га гўнг ҳамда минерал ўғитлар ва 2 т/га биогумус қўлланилган вариантларда ҳам назоратга нисбатан микроорганизмлар миқдорининг юқорилиги кузатилди.



6-расм. Турли ўғитларнинг суғориладиган ўтлоқи тупроқлардаги микроорганизмлар миқдорига таъсири (2009-2011 йй).

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида олиб борилган тажрибалар давомида ғўзанинг ўртача ҳосилдорлиги назорат вариантида 32,4 ц/га, ўсимлик қолдиқлари билан мульчаланган вариантда 37,2 ц/га ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан 4,8 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди.

2010 йилда тажриба майдонидаги кузги буғдойнинг «Санзар-8» нави ҳосилдорлиги назорат вариантида 39,2 ц/га, мульчаланган вариантда 41,6 ц/га ни ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан 2,4 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди. Демак, йиллар давомида тупроқларни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаш тупроқ унумдорлигига ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишга ижобий таъсир кўрсатганлиги кузатилди (1-жадвал).

2009-2011 йиллар давомида тажриба майдонида пахта-буғдой ва сидерат экинлар етиштирилган 1 м^2 майдонга ўрта ҳисобда 7433 гр поя массаси қайтарилган.

1-жадвал

Мульчалашнинг ғўза ва кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири 2009-2011 йиллар

Тажриба вариантлари	Йиллар		Ўртача 2 йилда	Қўшимча ҳосил, ± ц/га	2010 буғдой	Қўшимча ҳосил, ± ц/га
	2009 ғўза	2011 ғўза				
1.Кузги буғдойни ғўзапояси йиғиштирилма ган қаторлар орасига экиш (анъанавий экиш усули)+ $N_{200}P_{140}K_{100}$	29,5	35,4	32,4	-	39,2	-
2.Ғўзапояси тўлиқ юлиб олинган ва даладан чиқариб ташланган фонда кузги буғдой экиш + $N_{200}P_{140}K_{100}$	25,4	34,9	30,1	-	33,6	-
3.Ғўзапояни майдалаб, тупроққа қайтариш ва кузги буғдой экиш + $N_{200}P_{140}K_{100}$	32,3	42,2	37,2	4,8	41,6	2.4
НСР		**±3,15**			**±4,9**	

Демак, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш мақсадида ғўзапоя қолдиғи, буғдой сомони ва икки мартагача сидерат экин экиб, уларни тупроққа тўлиқ қайтариш натижасида уч йил давомида ҳар 1 гектар майдонни 3 тонна 162 кг биомасса билан бойитишга эришилди.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида экилган кузги буғдойнинг «Таня» навининг ўртача ҳосилдорлиги назорат вариантида 32,3 ц/га, минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» қўлланилган вариантда 45,6 ц/га, минерал ўғит ва 20 т/га гўнг қўлланилган вариантда 44,8 ц/га ҳамда минерал ўғит ва 2 т/га биогумус қўлланилган вариантда 43,6 ц/га ни ташкил этади (2-жадвал).

2-жадвал

Кузги буғдой «Таня» навининг ҳосилдорлигига турли ўғитларнинг таъсири

Тажриба вариантлари	Йиллар			Ўртача 3 йилда	Қўшимча ҳосил, ± ц/га
	2009	2010	2011		
1. Назорат- ўғитсиз	33,0	34,0	30,6	32,3	-
2. $N_{150}P_{100}K_{50}$	36,1	35,2	36,4	36,0	3,7
3. $N_{150}P_{100}K_{50}$ + Байкал ЭМ-1 биопрепарат 8 л/га	44,7	46,9	44,3	45,6	13,3
4. Гўнг 20 т/га	37,2	37,3	38,6	37,9	5,6
5. $N_{150}P_{100}K_{50}$ + гўнг 20 т/га	44,5	45,7	44,0	44,8	12,5
6. Биогумус 2 т/га	35,7	36,2	35,2	35,7	3,4
7. $N_{150}P_{100}K_{50}$ + биогумус 2 т/га	43,5	38,4	48,9	43,6	11,3
НСР		**±3,14**	**±1,83**		

Назорат вариантига нисбатан энг юқори қўшимча ҳосил 13,3 ц/га минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилганда эришилди. Минерал ўғит ва 20 т/га гўнг ва минерал ўғит ва 2 т/га биогумус қўлланилган вариантларда қўшимча ҳосил миқдори мутаносиб равишда 12,5 ва 11,3 ц/га ни ташкил этди.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ўсимлик қолдиқлари билан мульчалашнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича қуйидаги натижалар қайд этилди: ғўзанинг «С-6524» нави ҳосилидан олинган шартли соф фойда назорат вариантида ўртача 56820 сўм/га бўлди, мульчаланган вариантда эса шартли соф фойда ўртача 138726 сўм/га бўлиб, назоратга нисбатан қўшимча даромад ўртача 81906 сўм/гани ташкил қилди. Рентабеллик даражаси назорат вариантида 11,1%, мульчаланган вариантида 26,0% ни ташкил этди.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг «Таня» нави ҳосилидан олинган шартли соф фойда назорат вариантида ўртача 53306 сўм/га, минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилган вариантда ўртача 198675 сўм/га, минерал ўғит ва гўнг ҳамда биогумус қўлланилган вариантларда ўртача 189619 ва 111535 сўм/га бўлиб, назоратга нисбатан минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилган вариантда қўшимча даромад 145369 сўм/гани ташкил этди. Рентабеллик даражаси назорат вариантида 10,4%, минерал ўғит ва «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилган вариантда 33,0% га тенг бўлган.

ХУЛОСАЛАР

1. Суғориладиган типик бўз тупроқларни қишлоқ хўжалик экинлари (ғўзапоя, буғдой сомони) қолдиқлари билан мульчалаш натижасида уч йил давомида 1 гектар майдонга 3 тонна 162 кг биомасса қайтарилиши ҳисобига устки 0-15 см қатламда гумус миқдори назоратга нисбатан 0,33% нитрат шаклидаги азот-6,6 мг/кг, ҳаракатчан фосфор-4,1 мг/кг, алмашинувчи калий эса–17 мг/кг га ошган.

2. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда $N_{150}P_{100}K_{50}$+ 8 л/га «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилганда назоратга нисбатан тупроқнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 0,15%, нитрат шаклидаги азот 7,3 мг/кг ва ҳаракатчан фосфор 5,45 мг/кг, алмашинувчи калий 12 мг/кг кўпайишига имкон берган.

3. Суғориладиган типик бўз тупроқларда ҳажм оғирлиги мульчаланган вариантда назорат вариантига нисбатан 0,17 г/см^3 га камайганлиги, ғоваклиги эса 5 % га ошганлиги, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда $N_{150}P_{100}K_{50}$+8 л/га «Байкал ЭМ-1» қўлланилган вариантда тупроқнинг ҳажм оғирлиги назоратга нисбатан 0,14 г/см^3 га, $N_{150}P_{100}K_{50}$+2 т/га биогумус қўлланилган вариантда 0,12 г/см^3 га камайганлиги, ғоваклиги эса 3% га ошганлиги кузатилган.

4. Қўлланилган турли ўғитлар ва мульчалаш натижасида тупроқда етарли миқдорда органик моддалар тўпланиши, тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларининг яхшиланиши микробиологик жараёнларга ижобий таъсир этди. Суғориладиган типик бўз тупроқларда мульчаланган

вариантда назоратга нисбатан микроорганизмлар миқдори 3,4 млнга, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда $N_{150}P_{100}K_{50}$+8 л/га «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилган вариантда микроорганизмлар миқдори 18,7 миллионга кўпайганлиги кузатилган.

5. Суғориладиган типик бўз тупроқларни мульчалаш натижасида ғўзанинг «С-6524» навидан назоратга нисбатан 4,8 ц/га, кузги буғдойнинг «Санзар-8» навидан 2,4 ц/га қўшимча ҳосил, ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{150}P_{100}K_{50}$+8 л/га «Байкал ЭМ-1» биопрепаратидан қўлланилган вариантда назоратга нисбатан кузги буғдойнинг «Таня» навидан 13,3 ц/га, $N_{150}P_{100}K_{50}$+2 т/га биогумус биргаликда қўлланилган вариантда 11,3 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

6. Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида мульчалаш натижасида ғўзанинг «С-6524» нави ҳосилидан олинган энг юқори шартли соф фойда 138726 сўм/га ни ташкил этган ҳолда, рентабеллиги 26,0% ни ташкил қилди.

7. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{150}P_{100}K_{50}$+8 л/га «Байкал ЭМ-1» биопрепарати қўлланилганда кузги буғдойнинг «Таня» навидан энг юқори шартли соф фойда 198675 сўм/га ни ташкил этган ҳолда, рентабеллиги 33,0% бўлди.

8. Тошкент вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза ва кузги буғдойдан юқори ҳосил олишда, тупроқни ўсимлик қолдиқлари (ғўзапоя, буғдой сомони, оралиқ экинлари) билан мульчалаш усулини қўллаш тавсия этилади.

9. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг унумдорлигини оширишда, кузги буғдойдан сифатли ва юқори ҳосил олишда $N_{150}P_{100}K_{50}$ + Байкал ЭМ-1 биопрепаратидан экишдан олдин 5 л/га, туплаш фазасида 3 л/га меъёрида қўллаш тавсия этилади.

10. Суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларининг хоссаларини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш йўллари бўйича олинган маълумотлардан олий ўқув юртларида агротупроқшунослик ва агрокимё йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашда тупроқшунослик, тупроқ физикаси, тупроқ биологияси, мелиоратив тупроқшунослик, тупроқ муҳофазаси каби ўқув курсларидан маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО–ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БУРХАНОВА ДИЛНАВОЗА УТКУРОВНА

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ПЛОДОРОДИЯ ОРОШАЕМЫХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМОВ И ЛУГОВЫХ ПОЧВ (на примере Ташкентского вилоята)

06.01.03-Агропочвоведение и агрофизика

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №B2019.2.PhD/Qx254

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Турапов Ибрагим** доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Курвантоев Рахмонтай** доктор сельскохозяйственных наук, старший научний сотрудник
	Фахрутдинова Машкура Фазлиддиновна кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	**Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка**

Защита состоится «_____»_____2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00, e-mail: info@soil.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (зарегистрирована №____). (Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Тел.: (+99871) 246-15-38)

Автореферат диссертации разослан «_____»_____ 2019 года
(протокол рассылки №____ от «_____» _____ 2019 г.)

Р.К.Кузиев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

М.М.Ташкузиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день «2,6 миллиарда жителей планеты страдают от последствий деградации почв и наблюдается снижение плодородия почв из-за процессов деградации, то есть эрозии, засоления, опустынивания и др. По данным Международной организации ФАО, более 33% земель подверглись деградации”[1]. Разработка научно-обоснованных агротехнических мероприятий, направленных на повышение плодородия орошаемых почв по защите почвенного покрова от деградации почвы является актуальной проблемой.

На сегодняшний день в мире проводятся научные исследования по приоритетным направлениям защиты и повышения плодородия деградированных почв, путём улучшения их свойств, повышения урожайности сельскохозяйственных культур. Определение изменений, происходящих в почвенном покрове в результате процессов деградации, налаживание системы органического земледелия, (повышения плодородия) внедрения технологий по повышению плодородия почв путем внесения в почву органических, минеральных веществ, биогумуса и биопрепаратов.

В республике проводится широкомасштабные мероприятия по развитию земледелия путём внедрения агротехнологий, направленных на сохранение и повышение плодородия орошаемых почв, предотвращение деградации орошаемых почв, а также повышение урожайности сельскохозяйственных культур. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важными стратегическими задачами «...дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие объектов ирригации и мелиорации, обеспечение их безопасной и устойчивой работы, экономное и рациональное использование водных ресурсов и на основе этого достичь устойчивое производство сельскохозяйственной продукции»[2]. Поэтому улучшение свойств орошаемых типичных сероземов и луговых почв, мульчирование почв остатками растений, повышение плодородия почв и увеличения урожайности сельскохозяйственных культур путём совместного применения органоминеральных удобрений, биогумуса и биопрепаратов для дальнейшего совместного использования для повышения плодородия почв и увеличения урожайности сельскохозяйственных культур имеет важное значение.

Результаты диссертации в определённой степени служат реализации задач, определённых в Указе Президента Республики Узбекистан от 17 января 2019 года УП-5635 «Год активных инвестиций и социального развития» и Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 03-12-7 «О Программе комплексных мер по дальнейшему развитию

---

[1] https://www. fao.org/soils-portal/soil-degradation

[2] Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

системы обеспечения сельского хозяйства минеральными удобрениями, продуктами химической и биологической защиты и улучшения качества агрохимических услуг в 2017-2020 годах» от 26 декабря 2016 года и других.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

